



Theoretical and Methodological Foundations for the Study of Architectural Monuments in the Middle Zeravshan Oasis

Jasur SAVRIEV¹

Navoi University of Innovations

ARTICLE INFO

Article history:

Received December 2024

Received in revised form

15 December 2024

Accepted 20 January 2025

Available online

25 February 2025

Keywords:

Zarafshan,
orientalist,
architectural monuments,
genetic foundations,
architectural monuments,
colonialism,
ancient monuments,
sacred places.

ABSTRACT

The history of the study of architectural monuments of the Srednezarafshan oasis, both in the past and in the present, is reflected in numerous historical sources and literature. The ancient fortress and ruins of the oasis are repeatedly mentioned in the works of the Russian orientalist academician V.V. Bartold and other Russian researchers. Examples of this are the studies of K.A. Inostrantsev, N. Veselovsky, P. Lerch, V.V. Tarn, Tsakhau, Tomashek, Markvart. The article examines the sources recorded by them.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss1-pp285-289>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ўрта Зарафшон воҳаси меъморий ёдгорликлари ўрганилишининг назарий – методологик асослари

АННОТАЦИЯ

Ўрта Зарафшон воҳаси меъморий ёдгорликларининг ўрганилиши тарихи ўтмиш ва ҳозирги давр кўплаб тарихий манба ва адабиётларда ўз аксини топган. Рус шарқшуноси академик В.В.Бартольд ва бошқа рус тадқиқотчилари асарларида воҳанинг қадимги қалъа ва харобалар кўплаб тилга олинади. К.А.Иностранцев, Н.Веселовский, П.Лерх, В.В.Тарн, Захау, Томашек ва Маркварт тадқиқотлари бунга мисол. Мақолада улар томонидан ёзиб қолдирилган манбалар асосида фикр юритилади.

Калит сўзлар:

Зарафшон,
шарқшунос,
меъморий ёдгорликлар,
генетик асослар,
архитектура
ёдгорликлари,
мустамлакачилик,
қадимий жойлар,
муқаддас қадамжолар.

¹ PhD, Associate Professor, Navoi University of Innovations.

Теоретические и методологические основы изучения архитектурных памятников Среднезарафшанского оазиса

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Зарафшан, востоковед, архитектурные памятники, генетические основы, архитектурные памятники, колониализм, древние памятники, священные места.

История изучения архитектурных памятников Среднезарафшанского оазиса, как в прошлом, так и в настоящем, отражена в многочисленных исторических источниках и литературе. Древняя крепость и руины оазиса неоднократно упоминаются в трудах русского востоковеда академика В.В. Бартольда и других русских исследователей. Примерами этого являются исследования К.А. Иностранцева, Н. Веселовского, П. Лерха, В.В. Тарна, Цахау, Томашека, Маркварта. В статье рассматриваются записанные ими источники.

Бугунги кунда дунё миқёсида қадимий шаҳарларни қайта қуриш ва модернизациялашда тарихий жойлар структурасини сақлаб қолиш ва меъморий-бадий қийматларга эга бўлган ёдгорликлардан самарали фойдаланиш ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Ҳозирда жаҳон меъморчилигида қадимдан шаклланиб келган худудлар, жумладан, Мемфис, Бобил, Рим, Афина, Париж, Лондон, Вена, Ереван, Истамбул, Искандария, Балх, Боку, Деҳли, Исфаҳон ва бошқа шаҳарларни ўрганилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда муҳофаза қилиш ва уларнинг режавий ечимига эътибор бериш эҳтиёжи туғилмоқда. Бу борада тарихий шаҳарларда муҳим аҳамиятга эга бўлган марказлар, мажмуалар, муқаддас қадамжолар, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш, археологик қазилма ишларида аниқланган бино ва иншоотларни қайта тиклаш зарурати намоён бўлмоқда. Жаҳон миқёсида тарихий шаҳарларнинг пайдо бўлиши, эволюцион тараққиёти, меъморчилик тизимларини сақлаш, қайта қуриш ва модернизациялашга бағишланган илмий тадқиқотларда шаҳарларнинг генетик асосларини аниқлаш, ўрта асрларга мансуб худудларни тиклаш, тарихий ва замонавий биноларни бир-бири билан уйғунлаштириш, ёдгорликларнинг муҳофаза зонасини аниқлаш, сайёҳлик маршрутларини тузиш, муҳандислик тармоқлари, йўл инфраструктурасини такомиллаштириш ва бошқалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу тадқиқотларда қадимий шаҳарлар барқарорлигини таъминлаш, илк шаҳарларнинг вужудга келиш ва тараққий этиш жараёнларини, меъморчилик тарихидаги янгича илмий ёндашувларни тадқиқ этиш, кўҳна шаҳарларнинг режавий структурасига аниқликлар киритиш ва уларнинг замонавий шаҳарсозлик маданияти ривожига таъсирини очиб бериш, тарихий худудларнинг сайёҳлик имкониятларини ошириш, меъморий ёдгорликлардан самарали фойдаланиш масалалари долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Қадимги маданият ўчоқларидан бири бўлган Ўрта Зарафшон воҳаси худди шундай меъморий-бадий қийматга эга бўлган архитектура ёдгорликларига ниҳоятда бой худудлардан бири ҳисобланади. Воҳада халқ меъморчилигининг энг қадимий архитектура ёдгорликларидан эрамиздан аввалги IX асрдан то ҳозирги вақтгача барча тарихий

даврларнинг ёдгорликлари мавжуд. Ўрта Зарафшон худудининг таркибий қисми сифатида тилга олинадиган Бухоронинг тарихий ўтмиши ва ҳозирги даври кўплаб тарихий манба ва адабиётларда ўз аксини топган. Ўрта Осиёнинг тарихий ёдгорликлари Россия империя даври тарихчилари, топографлари ҳамда шарқшуносларни узоқ йиллар давомида қизиқтириб келган. Рус шарқшуноси академик В.В. Бартольд ва бошқа рус тадқиқотчилари асарларида қадимги қалъа ва харобалар кўплаб тилга олинади. К.А. Иностранцев, Н. Веселовский, П. Лерх, В.В. Тарн, Захау, Томашек ва Маркварт тадқиқотлари бунга мисол. Шарқшунос Н. Веселовский эса Бухоронинг ўтмиши ва бугунини ўрганиш борасида анча меҳнат сарфлайди. “Эндиликда Бухорода ҳукмронлик қилаётган Манғитлар сулоласи” (1878), “Бухорода Қурбон байрами” (1888), “И.Д. Хохлов XVIII асрда Русиянинг Эрон ва Бухородаги Элчиси” (1891) ва ҳоказо асарлар ва ўрганишлар унинг қаламига мансубдир.

Шундай шарқшунослардан яна бири академик К.Г. Залеман бўлиб (1849–1916) бу олим бор йўғи икки маротаба, Бухорога ташриф буюрган бўлса-да, Зарафшон воҳаси тарихига оид қўлёзмаларни ўрганиш борасида самарали ишларни амалга оширади. Россия давлат ҳарбий тарих архиви жамғармаларида сақланаётган ҳужжатлар, ёзишмалар, статистик маълумотлар ўзининг сақланиши ва мазмуни нуқтаи назаридан нафақат бизнинг тадқиқот ишимиз учун, балким тадқиқотчи тарихчилар учун ниҳоятда бебаҳо ва нодир топилма ҳисобланиб, улар XIX аср иккинчи ярми – XX аср ўрталарида Бухоро амирлиги худудига кириб кетадиган, Ўрта Зарафшон воҳаси тарихини янгича фикр ва талқин асосида янада чуқурроқ ўрганиш ва уни яратиш учун муҳим тарихий манба сифатида хизмат қилади. Қадимги маданият ўчоқларидан бири бўлган, Ўрта Зарафшон воҳаси худди шундай меъморий-бадий қийматларга эга бўлган архитектура ёдгорликларига ниҳоятда бой худудлардан бири ҳисобланади. Воҳада халқ меъморчилигининг энг қадимий архитектура ёдгорликларидан эрамиздан аввалги IX асрдан то ҳозирги вақтгача барча тарихий даврларнинг ёдгорликлари мавжуд. Ўрта Зарафшон худудининг таркибий худудларидан бири сифатида тилга олинадиган, Бухоронинг тарихий ўтмиши ва ҳозирги даври кўплаб тарихий манба ва адабиётларда ўз аксини топган. Методологик жиҳатдан, Ўрта Осиё тарихий ёдгорликлар тарихини ўрганиш империя давридаги тарихчи олимлар ҳамда шарқшуносларни ҳам узоқ йиллар давомида қизиқтириб келган. Рус шарқшуноси академик В.В. Бартольд ва революциядан олдинги бошқа тадқиқотчиларнинг асарларида қадимги қалъа ва харобалар кўплаб тилга олинади. К.А. Иностранцев, Н. Веселовский, П. Лерх, В.В. Тарн, Захау, Томашек ва Марквартлар тарихшунослигида воҳа ва водийдаги меъморий ёдгорликлари ўрганишларига ҳурмат ва эҳтиром билан қаралади.

Шарқшунос Н. Веселовский эса Бухоронинг ўтмиши ва бугунини ўрганиш борасида анча меҳнатини сарфлайди. “Эндиликда Бухорода ҳукмронлик қилаётган Манғитлар сулоласи” (1878), “Бухорода Қурбон байрами” (1888), “И.Д. Хохлов XVIII асрда Русиянинг Эрон ва Бухородаги Элчиси” (1891) ва ҳоказо асарлар ва ўрганишлар унинг қаламига мансубдир. Шундай шарқшунослардан яна бири академик К.Г. Залеман бўлиб (1849–1916) бу олим бор йўғи икки маротаба, Бухорога ташриф буюрган бўлсада, Зарафшон воҳаси тарихига оид қўлёзма уларни ўрганиш борасида кўп самарали ишларни амалга оширади. Россия давлат ҳарбий тарих архиви жамғармаларида сақланаётган ҳужжатлар, ёзишмалар, статистик

маълумотлар ўзининг сақланиши ва мазмуни нуқтаи назаридан нафақат бизнинг тадқиқот ишимиз учун, балким тадқиқотчи тарихчилар учун ниҳоятда бебаҳо ва нодир топилма ҳисобланиб, улар XIX аср иккинчи ярми – XX аср ўрталаридаги Бухоро амирлиги ҳудудига кириб кетадиган, Ўрта Зарафшон воҳаси тарихини янги фикр ва талқин асосида янада чуқурроқ ўрганиш ва уни яратиш учун муҳим тарихий манба сифатида хизмат қилади. Кўхна Зарафшон дарёси оқиб ўтадиган, яхлит водий (воҳа) қадимдан маъмурий давлатчилик заруратидан асосан беш катта бирликка, яъни тарихий Самарқанд, Миёнқол, Кармана, Бухоро ҳамда Қорақўл вилоятларига бўлиниб, ушбу шартли бўлиниш турли даврларда ҳукм сурган Тоҳирийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Чигатойлар, Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар, Манғитлар сулолалари замонасида таркибий жиҳатдан ўзгаришларга учрасада ўз географик хусусиятлари билан мамлакат маъмурий қиёфасига мунтазам таъсир ўтказиб келган.

Бундан кейин, янги терминология сифатида қайд этиб ўтиладиган Ўрта Зарафшон воҳасининг Бухоро амирлиги таркиби ҳудудига эса амирликнинг Кармана, Зиёвуддин бекликлари ва Конимех, Қорақўл, Пирмаст, Ғиждувон, Ванғозе, Вобкент, Шофиркон, Ёртепа каби 9 та туманликка бўлинган маъмурий қисмлари кирган эди. Тарихий сабабларни тавсифлашдан аввал, Кармана шаҳри Ўрта Зарафшоннинг қайси географик маконини қамраб олган деган савол туғилиши табиий. Миёнқол вилояти* Оқдарё ва Қорадарёга айрилган Зарафшонни шакллантирган ўзига хос каттакон дарё ороли сифатида теварақдаги ҳудудларни қамрагани назарда тутилса, Кармана моҳиятан ҳозирги Мирбозор яқинидаги Чахорминор мавзеидаги Дабуссия қалъасидан то Ғиждувон музофотининг дарё устидаги Эшонқўприк, яъни Қизилтепа билан Ғиждувон туманларини ажратиб турувчи чегарасигача бўлган каттакон суғорма маданий ҳудудни теварақдаги тоғлар ва даштлар билан яъни ҳозирги Пахтачи, Хатирчи, Навбаҳор, Навоий, Қизилтепа, Конимех туманларини тўлиқ, Нуробод тумани, Қарнаб даштини қисман ўз бағрига жамлаган маъмурий ҳудуд бўлган. Бу ҳудудга эса Кармана, Остона, Парда, Девхона, Бичанчи, Қарнаб, Маликчўл ва Ўртачўл даштлари ва бодиялари жойлашган ҳамда чорвачилик, хусусан қўйчилик худди деҳқончилик сингари бошқа вилоятларга қараганда анча ривожланиб келган. Шу билан биргаликда Ўрта Зарафшонни азалдан, Самарқанд воҳасини шимолӣ томондан Туркистон тизмасининг давоми бўлган Ғубдинтоғ, Оқтоғ, Қоратоғ, жанубий томондан эса Зарафшон тизмасининг давоми бўлган Қоратепа, Зирабулоқ, Зиёвуддин тоғлари ўраб турган. Ўрта Зарафшон воҳаси, Кармана тумани ҳудудида торайиб, Қизилтепа ва Офтобоч қирлари яқинлашган қишлоқ ёнида Ҳазора йўлагини ҳосил қилади. Ўрта Зарафшон воҳаси тарихини ўрганишда, XIX аср охири – XX аср бошларида ёзилган ва яратилган ёзма манбаларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин.

Биринчи тоифага бевосита рус тилида ёзилган ёзма асарлар мажмуасини, иккинчи тоифага эса маҳаллий олимлар, тарихчилар, ўлкашунослар томонидан маҳаллий тилда ёзилган асарларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи тоифага оид рус тилида ёзилган битилган ёзма манбалар мажмуасига ўша даврда

* **Миёнқол вилояти.** Миёнқол-форс тожикча сўз бўлиб, икки дарё оралиғи демакдир. Маъмурий маркази Кармина бўлган. Вилоят саккизта ҳокимликка бўлинган. Кармина Зиёвуддин, Хатирчи, Боғчаикалон, Нурота, Гужумсарой, Коми-миғ, Янгиқўрғон кабилар кирган.

яшаб, ҳарбий ҳаракатлар ва мустамлака сиёсатини амалга оширишда иштирок этган ва унга гувоҳ бўлган рус ҳарбийлари, амалдорлари, рус олимлари ҳамда тарихчилари томонидан ёзилган ва яратилган тарихий асарлар, эсдаликлар, хотиралар, расмий хабарлар ва ҳисоботлар киради. Иккинчи тоифага эса бевосита, Ўрта Зарафшон воҳасидаги қадимий жойларнинг номлари ва уларнинг пайдо бўлиш тарихи билан боғлиқ бўлиб, ёдгорликларни ўрганиш, уларнинг меъморчилик соҳасини тадқиқ, қурилиш лойиҳаларини таърифлаш ва археологик изланишлар билан бир қаторда турли мақсадларда уюштирилган экспедициялар фаолияти давридаги ўрганишларнинг бошланиши, XIX аср охири ва XX аср бошларига тўғри келади. Бу даврда асосан воҳанинг ўрта асрлар даври ёдгорликлари тадқиқ этилган. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўрта Осиё, жумладан, Ўрта Зарафшон воҳаси шаҳарсозлиги тарихи ва маданиятини тадқиқ этиш бошланганига 100 йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида ўлкамиз ҳудудларидаги шаҳарлар тараққиётининг у ёки бу жиҳатларига қаратилган кўплаб тадқиқотлар натижалари мақолалар, монографиялар ҳамда диссертациялар мисолида нашр юзини кўрди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи.-Тошкент: Камалак, 1991.-Б.95.
2. Арциховский А.В. Археология асослари.-Тошкент: Ўқитувчи, 1970.-Б.268.
3. Матмусаев Т.Ш. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши. 18.00.01–архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш. Архитектура бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати.-Тошкент: Академия, 2019, Б.5.
4. Холиқова Р. Россия-Бухоро тарих чорраҳасида (XIX-асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари).-Тошкент: Ўқитувчи, 2005.-Б.38.
5. Ситяновский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана//Известия Туркестанского отдела русского географического общества.-Ташкент, 1900.-Т.I.-вып.2.-С.121-178.
6. Зимин Л.А. Развалины Старого Пайкента//Протокол заседания и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии год восемнадцатый (11декабрь 1912г.-11 декабрь 1913 г.) Протокол №4. 30 апрель 1913 г.-Ташкент, 1913.-С.59.
7. Якубовский А.Ю. Краткий полевой отчет о работах Зерафшанской археологической экспедиции Эрмитажа. ИИМК в 1939 г.//ТОВЭ.Т.II.-Л., 1940.-С.51-71.
8. Шишкин В.А. Археологические работы 1937 года в западной части Бухарского оазиса.-Ташкент, 1940. С.50.
9. Ҳайитова О. Карманалик буюк сиймолар ва муқаддас қадамжолар.-Тошкент: Янги аср авлоди.-Б.4.
10. Санаев И. Зиёвуддин тарихи.-Тошкент: Шарқ, 1995.-Б.23.
11. Раддов В. В. Средняя Зарафшанская долина. – Записки Русского географического общества по отделению этнографии Т.IV, 1880.
12. Тўраев Ҳ. Бухоро тарихи (ўқув кўлланма).-Бухоро: Дурдона, 2020.-Б.31.